

**БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
БАДИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Дурдона Муродова Раимжон қизи

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факултети

“Вокал ва чолғу ижрочилиги” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6522347>

Аннотация. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий-эстетик дунёқарашини ошириш, тафаккурини кенгайтиши ва бу орқали уларнинг эстетик билим ва кўниқмаларини ривожлантириши ишлари долзарблик касб этмоқда. Бунга сабаб кунимиздаги глобал ўзгаришлар, маданиятлараро интеграцион муносабатлар ва бошқа ижтимоий омилар эстетик дунёқарашини ривожлантиришини, эстетик фаолият қиёфасини ўзгартиришини талаб этмоқда. Мақолада мусиқа таълими ўқитувчиларини бадиий-эстетик компетентлигини ривожлантириши хусусида тўлиқ маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: эстетик, бадиий, компетент, тафаккур, мусиқа, таълим.

**БУДУЩИЕ УЧИТЕЛЯ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ
ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ**

Аннотация. Сегодня все большую актуальность приобретает работа по повышению художественно-эстетического кругозора будущих педагогов, расширению их кругозора и тем самым развитию эстетических знаний и умений. Это связано с тем, что современные глобальные изменения, межкультурная интеграция и другие социальные факторы требуют развития эстетического мировоззрения, изменения образа эстетической деятельности. В статье представлена подробная информация о развитии

художественно-эстетической компетентности педагогов музыкального образования.

Ключевые слова: эстетическое, художественное, компетентное, мышление, музыка, образование.

FUTURE MUSIC EDUCATION TEACHERS PEDAGOGICAL FEATURES OF ARTISTIC AND AESTHETIC COMPETENCE DEVELOPMENT

Abstract. Today, the work of raising the artistic and aesthetic outlook of future teachers, broadening their thinking and thereby developing their aesthetic knowledge and skills is gaining urgency. This is due to the fact that today's global changes, intercultural integration and other social factors require the development of aesthetic worldview, change the image of aesthetic activity. The article provides detailed information on the development of artistic and aesthetic competence of music education teachers.

Keywords: aesthetic, artistic, competent, thinking, music, education.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий фаолиятида бадиий-эстетик компетенцияни ривожлантириш ва бу орқали ижодийлик, новаторлик ва янгиликни излашда креативликни шакллантириш вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, «ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир»¹. Шундай экан, жамиятда ижодкорлик, яратувчанлик мухитини яратишга санъатнинг сирли имкониятларидан фойдаланиш, бунинг учун саънат назариётчиларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, жумладан мусиқа таълимини ислоҳ қилиш, уни ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш ва жамиятнинг мусиқий тафаккури ва ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 303.

Замонавий шароитда ёшларда бадиий-эстетик компетентликни ривожлантириш мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида жамият миқёсида табиатни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари, меҳнат фаолияти, турмуш, ижтимоий муносабатларнинг эстетик ҳолатлари; дид ва манфаатларининг муайян ҳолати; эстетик тарбия назарияси ва амалиёти таъсири, уларнинг ижтимоий-эстетик фаоллигининг намоён бўлишида кузатилади. Шунинг учун ҳам, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг бадиий-эстетик билим ва кўникмаларини ривожлантириш орқали мамлакатимизда мусиқа таълими педагогларининг касбий салоҳитини ошириш, санъатни тушуниш дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини ўстириш ва бу орқали ўқувчиларда мусиқий тафаккурни ривожлантириш тизимини ислоҳ қилишга эришиш мумкин бўлади.

Нафосат тарбияси талабаларни воқеликдаги, санъат ва табиатдаги кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, шунингдек, турмушидаги гўзалликни идрок қилиш ҳамда тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, гўзаликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзаллик олиб кириш қобилияtlарини тарбиялашдир. «Нозик дидли бўлиш, гўзалликни фаҳмлай ва қадрлай олиш, бадиий маданиятни тушуниш, хуллас ўз ҳаётини гўзаллик қонунлари асосида кўра олиш комил инсоннинг энг зарурий фазилатидир. Инсонда гўзалликни тушуниш бирданига вужудга келмайди, балки у жамият ва одам-лар, атроф-муҳит таъсирида шаклланиб боради². Шунга кўра, инсоннинг бадиий ривожланиш қонунлари ижтимоий ривожланиш қонунлари билан боғланган.

Бадиий тарбия асосан ижтимоий-эстетик идеаллар орқали намоён бўлади. Нафосат тарбияси, энг аввало, ҳар бир кишида бадиий ҳиссиёт туйғуларини бадиий тарбиялашдир³. Бундай юксак нафосатлилик ақл-заковатдан холи бўлади, деган маънони тушунмаслик керак. Шахснинг

² Каримова Д, Хоназарова Р. Ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда «музиқа маданияти» фани олдида турган долзарб масалалар. Замонавий таълим журнали. 2018. № 7. –Б. 32

³ Cathrine Sadolin. Complete vocal technique. 2012. 274 page 58-69.

баркамол инсон бўлиб шаклланишида бу икки томон бир-бирини тўлдиради. Чинакам санъат асарида ҳиссиёт чуқур ғоявий, ақлий мазмун билан идрок қилиш бирикиб кетади. Нафосат тарбияси ақл билан ҳиссиётни тарбиялаш, янада аниқроқ қилиб айтганда, ҳиссиёт воситаси билан ақлни тарбиялашдир. Бу икки томон бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Бадиий-эстетик билим ва кўникмалар ижтимоий эстетик онг ва унинг заминида турувчи амалиётнинг ўзига хос ифодаси сифатида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ижтимоий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга ва манфаатлари сари йўналтиришга хизмат қиласи. У ранг-баранг фаолият ҳамда эстетик муносабатлар тизими сифатида бадиий ижоднинг профессионал ҳамда ҳаваскорлик турлари, санъат, оммавий коммуникация воситалари, эстетик идрок маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади. Бу ерда жамият учун аксиологик маънода тушунарли ҳамда фойдаланиладиган эстетик қадриятлар назарда тутилади. Демак, бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий-эстетик компетентлиги бадиий образлилик, эстетик онг ва муносабат, санъатнинг юксак тафаккурда идрок этиш асосида шаклланадиган билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуасига нигматини ишламишларни яратади. Бу орқали бўлажак мусиқа таълими педагогларининг мусиқий тафаккурини, мусиқа таълимига оид назарий билимларини, бадиий-эстетик қарашлари тизимини ривожлантириш имконияти яратилади.

Бунинг учун, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг муайян амалий, ижтимоий мақсадларга эришишга йўналтирилган оламни эстетик-ижодий ўзлаштириш фаолияти, уни идрок этиш ва бу орқали мусиқий асарларни ижро этиш фаолиятига ижобий туртки бўлиб хизмат қиласи. Бундай муносабат бадиий ижоднинг профессионал ва ҳаваскорлик шакллари, бадиий лойиҳалаш ва бошқалар билан узвий боғланган бадиий фаолиятда ҳам етакчи ўрин тутади. Бундай фаолиятда фаол бўлиш бўлажак мусиқа таълими ўқитувчилари учун ҳам жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Шу билан

бирга уларда оламдан эстетик-ижодий таъсирланиш ва илҳомланиш, эстетик фаолиятга киришиш зарур бўлади.

Мусиқа таълими талабаларига таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда, уларнинг бадиий-эстетик дунёқарашини, билим ва қўникмаларини ривожлантиришда уларда бадиий-эстетик қадриятларни қадрлаш туйғусини қарор топтириш мухим аҳамиятга эга. Бадиий-эстетик қадриятлар талаблардаги санъат ва бадиий ижодкорликка шунчаки фаолият тури эмас, балки қадрият сифатида баҳо бериш вазифаларини юклайди. Зоро, санъат, бир томондан, даврнинг “ижтимоий-тариҳий” воқеалари таъсирида шаклланадиган ва ривожланадиган, иккинчи томондан, миллий маданият ва ҳар бир санъаткорнинг эстетик эҳтиёжларини акс эттирувчи”⁴ эстетик идеални гавдалантиришнинг асосий соҳаси бўлиб, ижтимоий жараёнларнинг моҳият-мазмунини ўзлаштириш, уларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилаш мақсадларига хизмат қиласи. Бадиий-эстетик қадриятларни идрок этиш кучли ғоявий-эмоционал таъсирчанлик хусусиятига эга бўлиб, талабаларнинг оламни эстетик ўзлаштириш қобилиятини ривожлантиради. Санъат талабаларнинг жисмоний ва ақлий қобилияtlарини бутун борлиғи ва соҳалари билан яхлит акс эттириш орқали ғоявий-эстетик тарбиянинг мухим омилига ҳам айланади. Демак, бўлажак мусиқа таълими ўқитувичларида бадиий-эстетик қадриятларни қадрлаш туйғусини шакллантириш, уларга онгли муносабатда бўлиш қўникмасини ривожлантириш керак бўлади. Чунки бадиий-эстетик қадриятлар ижтимоий мухитнинг эҳтиёжлари ва ижтимоий қизиқшларнинг мазмун-моҳиятини кўрсатиб берувчи ва ғоявий-эмоционал таъсир кучига эга бўлган воқеликдир.

Шу билан бирга, тарихан шаклланган бадиий-эстетик қадриятлар ва уларнинг миллий маданиятда намоён бўлиши, мусиқий оҳангларда ўз аксини топиши бугунги мусиқа таълими педагогларининг бадиий-эстетик қарашларининг қанчалик юқорилигига намоён бўлади. Чунки санъат

⁴ Маҳмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988.-Б.94.

қадриятлари ижтимоий тараққиёт натижасида ўзгариб боради, мусиқа таълими ҳам санъатнинг бир тури сифатида замон ва инсоният эҳтиёжлари ва қизиқишиларига қараб ўзгариб бораверади. Жамиятнинг бадиий-эстетик қарашларини ўтмиш, шунингдек, янги даврда яратилган санъат қадриятлари, уларни ўзлаштириш тарзида ҳам қаралиши мумкин. Бадиий билим ва кўйникмалар жамият умумэстетик фаолиятининг мухим соҳаси ва кўп жиҳатдан унинг характерини белгиловчи ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида ўзига хос функцияларни амалга оширади. Кенг ижтимоий маънода олиб қаралувчи санъатнинг моҳиятини жамиятда бадиий-эстетик дунёқарашнинг ривожланиш ва тарқалиш жараёнлари ташкил этади. Шундай экан, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг бадиий-эстетик дунёқарашини ривожлантириш, санъатга нисбатан умуинсоний ҳодиса сифатидаги муносабатни шакллантириш, унинг инсон қалбига таъсир кўрсатиш тамойилини англаш ва бу борадаги билимларини тизимлаштириш ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмқода.

Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентликни ривожлантириш учун уларда аввало бадиий-эстетик эҳтиёжни шакллантириш, уларда эстетик эҳтиёни англашларига имкон бериш, таъсир кўрсатиш ва бу жараёнга қаратилган эстетик фаолиятни такомиллаштириш талаб этилади. Умуман олганда, ҳар бир инсон ҳаётида эҳтиёж билан қобилият узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бадиий-эстетик фаолият субъектининг эҳтиёжи каби унинг қобилияти ҳам нафақат физиологик, шу билан бирга, ижтимоий моҳиятга эгадир. Бинобарин, бу қобилиятлар ижтимоий ҳаёт жараёнида шаклланади, ўзгаради ва тараққий этади. Демак, бадиий-эстетик фаолият субъекти инсоннинг эстетик онги, шу билан бирга, унинг эстетик эҳтиёжларини қондириш борасидаги тасаввур ва қарашларини ҳам ўз ичига олади. Модомики, бадиий-эстетик фаолиятнинг мақсади инсон эҳтиёжларини қондиришдан иборат экан, инсон бу фаолиятнинг нафақат субъекти, балки обьекти ҳам саналади. Инсон эстетик

қадриятларни объект сифатида идрок этади, эҳтиёжларини қондиради, қобилияtlарини эстетик онгнинг соҳиби тарзида рўёбга чиқаради. Шунга кўра, эстетик мушоҳада, эстетик идрок, эстетик тасаввур инъикоснинг ҳиссий-эмпирик, эстетик ҳукм, эстетик қадрият, эстетик идеал эса унинг рационал даражасига тегишли тарзда шаклланади.

Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларида бадиий-эстетик кўриниш ва қиёфага доир қарашларини ҳам тизимлаштириш, тартибга солиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Кийим-кечак, либос нафақат моддий, шу билан бирга, бадиий-эстетик аҳамиятга ҳам эга предметлар мажмуи бўлиб, инсоннинг ташқи қиёфаси, диdi, ўзига баҳоси, ихтисослиги, ижтимоий мавқенини ҳам гавдалантиради; бугина эмас, ташкилий ва руҳий вазиятни ҳам ифодалайди. Таъзия қатнашчилари, оркестр дирижёрлари, ҳарбий хизматчилар маҳсус рангда либос кийишлари боиси шунда. Рангни тасаввуфий тушунишда ҳам бундай ўзига хослик кўзга ташланади. Ва, ниҳоят, кийим-кечак, либоснинг нафислиги, кўркамлиги, хушбичимлиги инсон ва у билан мулоқотдаги кишиларда муайян эстетик мамнунлик ва хушнудлик уйғотишини таъкидлаш лозим. Бу ҳолат бадиий-эстетик кўриниш ва қиёфанинг эстетик салоҳияти, унинг инсонда кичикликдан турмуш эстетикаси кўникмаларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб келган. Шу боис бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларида ҳам бадиий-эстетик қиёфага доир билим ва кўникмаларни шакллантириш, бу орқали санъат вакилларининг ижтимоий қиёфасини идеаллаштиришга доир тафаккурини ошириш мумкин бўлади.

Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларида ривожлантириш лозим бўлган бадиий-эстетик компетентликнинг муҳим таркибий қисми бўлган мулоқот маданияти ва этикет қоидаларини ўзлаштиришлари ҳам зарурий педагогик вазифалардандир. Умуман олганда мулоқот турмуш, шу билан бирга, ишлаб чиқариш ёки ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг зарурий шартидир, турмуш эса инсонда кичикликдан ўзига хос эстетик салоҳиятли мулоқот маданиятини шакллантиришга имкониятлар яратади. Бўлажак

мусиқа таълими ўқитувчиларнинг хулқий хатти-ҳаракатларида моҳиятан муайян эстетик хусусиятлар намоён бўлади. Мусиқа таълими ўқитувчилари маънили ёки бемаъни гапириши, юриш-туриши гўзал ёки қўпол, бошқаларга муносабати маъқул ёки номаъқул бўлиши мумкин. Улар хулқининг умумий бадиий-эстетик қўриниши айни мана шуларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг эстетик камолоти уларнинг ўз меҳнатига, ижтимоий масъулиятига инсоний муносабатни қарор топтиради, ахлоқий меъёрларни гуманистик-эстетик эътиқодга айлантиради, унинг ижтимоий аҳамияти эса эмоционал ва интеллектуал фазилатларни, ижодий салоҳиятни юқори кўтаради. Бадиий-эстетик камолот фаол ҳаётий позицияни шакллантириб, талабанинг билими, хулқ-атвори, ҳиссиёти ва бурчи, сўз билан иши ўртасидаги номувофиқликка барҳам беради. Шундай қилиб, бадиий-эстетик ва умумий билимлар ўртасидаги энг оқилона муносабат талабаларнинг бадиий-эстетик компетентлигининг асосий ижтимоий-маънавий қисмларидан иборат бўлади.

Олий педагогик мусиқа таълимида бадиий-эстетик онгни ривожлантиришга қаратилган тизимни такомиллаштириш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу жараёндаги энг муҳим кўрсаткич бу - бадиий-эстетик қараш ва эътиқодлардир. Табиийки, билимлар ҳажм, даража тарафидан бадиий-эстетик қараш ва эътиқодларга турли таъсир этади. Шунингдек, билимлар йиғиндиси ижтимоий муносабатлар ва уларни баҳолашда бадиий-эстетик меъёр бўлиб хизмат қиласди. Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг бадиий-эстетик тасаввурларини баҳолашнинг сифати айни шу меъёр ва муносабат томонидан белгиланади. Бу тасаввурлар, авваламбор, бадиий-эстетик идеалларнинг айни санъат образларида акс этиши, шунингдек, улардан ибрат олишдаги мутаносиблиқда намоён бўлади.

Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг баддий-эстетик фаолиятга доир билим ва кўникмаларини ривожлантиришнинг долзарблигини қўйидагича асослаш мумкин:

Фикримизча, бадиий-эстетик фаолиятга доир компетентлик бу – муайян ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида кишиларнинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан хиссий-эмоционал ва завқий муносабатда бўлиб, уларни бадиий-эстетик қадрият сифатида баҳолашининг ифодасидир. Шунингдек, эстетик билим ва қўникмалар инсон ва жамият моддий-маънавий даражаси, ижтимоий-сиёсий омиллар, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз ичига олувчи ижтимоий-тарихий ходиса сифатида намоён бўлади. Мазкур таъриф бадиий-эстетик муносабатларнинг кенг қамровли эканлиги, воқеликнинг инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги, ҳар бир завқий муносабат эстетик дунёқарашнинг негизида ривожланиб боришини ўз ичига олади. Ушбу параграфда бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг жамиятда эстетик муносабатларни яратувчиси ва ижодкори сифатида ўзининг онгли эстетик фаолияти негизида моддий ва маънавий эстетик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган зарурӣ воситаларни яратишга интилиши таҳлил қилинган ва хulosалар ишлаб чиқилди. Шунга кўра, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг тафаккури, воқелик ҳақидаги тасаввурлари, нафосат олами, ижтимоий муҳит тӯғрисидаги қарашлари муайян конуниятлар тизимида ривожланиб боради.

Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентликни ривожлантиришнинг илмий-педагогик ва ижтимоий аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади:

Демак, ижтимоий муҳитда бадиий-эстетик билим ва қўникмаларни ривожлантириш жараёнига қуидаги ижтимоий-маънавий омиллар таъсир кўрсатади:

- анаъана ва маросимлар, урф-одат ва маънавий қадриятлар уларнинг бадиий-эстетик онги ва тафаккурига таъсир этиб, қайси соҳада бўлмасин ижодий фаолиятга чорлаб, воқеликка завқий муносабатни шакллантиради ва ривожлантиради;

- миллий-маданий қадриятлар негизида муайян ҳудудда яшаётган бир қатор миллат ва элатлар жамият ва мамлакатнинг умумий бадиий-эстетик қарашларини, миллий ва умумбашарий маънавий-эстетик қадриятларни яратища бирлашадилар;

- бадиий-эстетик билим ва қўникмаларини ривожланиш жараёни бевосита Ватан равнақига қаратилган миллатлараро муносабатларни ўз ичига

камраб олган ҳолда, ҳар бир фуқарони тинч-тотув, иноқ, ватанпарвар, меҳнатсевар, меҳр-оқибатли, меҳрибон, садоқатли, иймонли, аҳлоқан пок, виждонли, камтарин ва олижаноб бўлишга чорлайди;

- шахс ва жамият эстетик муносабатларини юксалтиришга қаратилган барча чора-тадбирлар, пировард оқибатда янги Ўзбекиситон стратегиясини амалга оширишга қодир ижодкор инсонни тарбиялашни асосий мақсад қилиб олади;

- бадиий-эстетик компетентликни ривожланиб бориши натижасида бадиий-эстетик хотира тикланади, ўзликни англаш туйғуси кучаяди, мустақил тафаккурга эга янги авлод шаклланади, замонамизга мос демократик қадриятларнинг қарор топишини таъминловчи янги эстетик мерос, янгича эстетик муносабат вужудга келади. Адабиёт ва санъат ўз табиатига кўра ўтмишга, миллий ўзликка бўлган ҳурмат, келажакка нисбатан юксак ишонч, инсонпарварлик туйғуларини камол топтиришда катта хизмат қилмоқда.

Социологик тадқиқотга кўра, бугунги кунда «Ёшларнинг бадиий адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишлигини қандай баҳолайсиз?» деган саволга ёшларимиздан 65,7 фоизи «ижобий», 19,4 фоизи «салбий», 4,9 фоизи «қизиқмайман» деб, 10 фоизи ўз қўшимча фикрини билдирган. Бундан кўриниб турибдики, жамиятнинг янги ривожланиш босқичида ёшларнинг адабиёт ва санъатга нисбатан қизиқишлиари кучайиб, янгича эбадиий-стетик тафаккур асосида яшашга, эстетик билим ва кўникмаларни юксалтиришга интилаётганлари намоён бўлмоқда.

Мусиқа таълимида санъатнинг назарий асосларини чукур ўргатиш ва бу орқали санъатнинг ижтимоий аҳамияти ва у билан боғлиқ жараёнларни тушунтириш, бадиий-эстетик таъсир самарадорлигини, ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб бериш ва илмий асосда аниқлаб олиш зарур. Буларга, биринчидан, мавжуд воқеликнинг бадиий инъикос обьекти ва предметига айланган нарса-ходисалари; иккинчидан, бевосита бадиий ижодкор кишилар

гурухи, шунингдек, санъат қадриятларини яратадиган ва тарқатадиган муассаса ва бирлашмалар тааллуклидир. Учинчи компонентни яратилган ва ижтимоий-эстетик муносабатлар тизимидан ўрин олган қадриятлар мажмуи, тўртинчисини эса санъат, адабиёт, бадиий ва адабий танқид таъсирида шаклланган санъат ихлосмандлари ташкил этади. Бу қатламларнинг истаклари, санъатни қабул қилиш дунёқараши, улар талаб қилаёиган асарлар хусусияти, умуман олганда улар орқали ижтимоий муҳитнинг талаб ва эҳтиёжларини англаши ва буни ўз ўқувчиларига тушунтириб бера олиш кўникумларига эга бўлиши талаб этилади.

Адабиётлар

1. Cathrine Sadolin. Complete vocal technique. 2012. 274 page 58-69.
2. Каримова Д, Хоназарова Р. Ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда «музиқа маданияти»фани олдида турган долзарб масалалар. Замонавий таълим журнали. 2018. № 7. –Б. 32
3. Каримова Д, Хоназарова Р. Ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда «музиқа маданияти»фани олдида турган долзарб масалалар. Замонавий таълим журнали. 2018. № 7. –Б. 32-33
4. Каримова Д, Хоназарова Р. Ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда «музиқа маданияти»фани олдида турган долзарб масалалар. Замонавий таълим журнали. 2018. № 7. –Б. 34
5. Каримова Д, Хоназарова Р. Ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда «музиқа маданияти»фани олдида турган долзарб масалалар. Замонавий таълим журнали. 2018. № 7. –Б. 34
6. Каримова Д, Хоназарова Р. Ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда «музиқа маданияти»фани олдида турган долзарб масалалар. Замонавий таълим журнали. 2018. № 7. –Б. 34
7. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент: Чўлпон, 1992. –Б. 359.

8. Махмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. - Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1988.-Б.94.
9. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. -Б. 303.
- 10.Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. -Тошкент: «Фалсафа ва ҳуқуқ» институти нашриёти, 2007. – 76 б.; Ибн Сино ва «Тадбири манзил». (форс тилида). -Техрон: Хуршидий, 1319. -Б.2.
- 11.Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б.51.